№46 (324)

2002 йил 13 ноябрь

чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

# Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "МАҲАЛЛА" жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

2

* Мурожаат қилиш ҳам ҳуқуқ!
* Камтарлик ...мажлисга борганда билинади!

3

* Педагог тарбиячи фаолияти маҳалла ёшларининг маънавий-жисмоний баркамоллиги билан баҳоланади!

4

* Олис Искандария ҳақида достон
* Амин пиён ... ва бошқалар...

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 2002 йил 12 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси** **Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 12 ноябрь

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:**

**1. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида.**

**2. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).**

**3. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).**

**4. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.**

**5. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг резервидаги хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.**

**6. «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекис тон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).**

**7. «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).**

**8. «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).**

**9. «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).**

**10. «Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).**

**11. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).**

**12. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.**

* * *

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

## 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси йил бошидан буён вилоятнинг ўн бешга яқин шаҳар ва туманларидаги йирик поликлиникаларда геронтология хоналари ташкил этди. Бу хоналарда мутахассислар кексаларда учрайдиган хасталикларни аниқлаш ва даволаш билан шуғулланмоқда. Айни пайда Янгийўл, Оҳангарон, Зангиота, Чиноз туманларида фаолият кўрсатаётган шифокорлар хизматидан кексалар мамнун.

### Яна бир қулайлик

**Л.Сувонов,**
**ЎзА мухбири**

РУКН **Табрик**

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Сиз, азиз самарқандликларни эришган катта меҳнат ғалабангиз - 250 минг тоннали улкан хирмон бунёд этиб, давлатга пахта топшириш йиллик шартнома режасини бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланган, ҳар соҳада билимдон ва тажрибали вилоят аҳли қўлга киритган бу муваффақият негизида аввало Самарқанд заминининг беқиёс салоҳияти, ерга қалб қўрини бериб ишлаётган заҳматкаш деҳқонларимизнинг бунёдкорлик меҳнати мужассамдир.

Бу ютуқ ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, ишни тўғри ташкил этиб ишлаган, мавжуд барча имкониятлардан оқилона ва унумли фойдаланган тақдирда қишлоқ хўжалигида қандай самараларга эришиш мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди.

Айниқса, сизларнинг жорий йилда нафақат пахтачилик, балки ғаллачилик соҳасида ҳам шартнома мажбуриятларини шараф билан адо этганингиз вилоятда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, аввало барчамизни боқадиган ерга меҳр ва эгалик ҳиссиёти кучаяётгани, юртимиз, Ватанимиз манфаатлари йўлида бераётган натижаларининг далолати деб биламан.

Ишончим комилки, азму шижоат ва мустаҳкам ирода соҳиби бўлган вилоят миришкорлари Самарқанд деҳқончилик мактабининг қадимий шуҳратини қайтадан тиклаб, бу диёр номини бутун дунёга тараннум этган буюк боболаримиз анъаналарини амалий ишлари билан давом эттирадилар.

Қишлоқ хўжалиги учун мураккаб бўлган бу йилни ёруғ юз билан якунлаётган сиз, азиз юртдошларимни пешона терингиз, ғайрат-шижоатингиз самараси бўлмиш бугунги зафарингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака, олижаноб интилишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

Доимо омон бўлинг, омадингизни бersин, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

*Самарқанд вилояти пахтакорлари давлатга пахта сотиш йиллик шартнома режасини ортиғи билан уддаладилар. Олинган хом-ашёнинг асосий қисми юқори навларга топширилди.*

## УЛКАН КАРВОН МАНЗИЛИ

Юқори натижаларга эришиш учун эрта кўкиламдан замин тайёрланди. Ғўза парваришининг агротехника тадбирлари учун бир миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

Ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланган самарқандлик заҳматкаш деҳқонлар учун ушбу йил баракали келди. Омборлари донга тўлиб, ўз меҳнатлари маҳсулини кўрган ижарачию фермерларнинг қувончи чексиз бўлди. Баҳорда ерга қадалган чигит парвариши, ёзнинг жазирама кунларида кунни тунга улаб қилинган меҳнатлар самараси туфайли даларда ҳосил мўл бўлди. Ғўзадаги ҳосилнинг салмоғи нафақат деҳқонни, ҳар қандай киши қалбини завқлантиради. Кўклам кунларидаги тинимсиз ёғингарчиликлар, чигитнинг қайта-қайта экилиши, умуман табиатнинг барча инжиқликлари улкан хирмон кўтарган деҳқонларга унут бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг вилоятга ташрифи қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларга самара бахш этди.

Бугун вилоят пахтакорлари шаънига қанча илиқ сўз айтилса оз. Чунки улар ғолиб, қилган меҳнатларининг самарасини кўрмоқда.

Ҳозирда юртимиз «оқ олтин» хирмонига етказиб берилган Самарқанд пахтаси 250000 тоннадан ошиб кетди. Вилоят деҳқонлари ялпи ҳосилни 260000 тоннага етказишга аҳд қилишган.

**Одил САРМОНОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

## ПРЕЗИДЕНТ ТУҲФАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Оллоҳ назари тушган, яқиндагина ўзининг 2700 йиллигини нишонлаган кўҳна ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабзда бўлиб ўтган тантаналарда ғузорлик меҳнат фахрийси Эргаш ота Бозоров, Зулфия Давлат мукофоти совриндори, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги лицей ўқувчиси Гулҳаё Эргашевалар ўз сўзларида ҳалқимизнинг бугунги яратувчилик руҳи билан суғорилган кайфиятини ифода этган эдилар. Бу бутун қашқадарёликларнинг дил изҳори эди.***

Юртбошимиз бунга жавобан Эргаш ота Бозоров ҳамда Гулҳаё Эргашеваларга ўз совғасини йўллади. Вилоят ҳокими Б.Ҳамидов, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходимлари Қ.Аъзамов, Э.Ғафуров, О.Муродовлар ғузорлик Эргаш Бозоров ҳамда шаҳрисабзлик Гулбаҳор Эргашева хонадонларида бўлиб, Президент номидан туҳфаларни топширдилар.

Меҳнат фахрийси Эргаш ота Бозоров ҳамда Гулбаҳор Эргашеванинг онаси Гулнора Ўриновалар кексалари ардоқда, ёшлари беҳад ғамхўрликлар қуршовида бўлган мамлакат Юртбошисига ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

**«MAHALLA» мухбири**
**Қашқадарё**

РУКН **Тадбир**

## МАҲАЛЛАНИНГ ИСТИҚБОЛИ ҲАҚИДА

***«Биз фуқаролик жамиятини қуришга интилмоқдамиз, - деган эди Президентимиз, - бунинг давлатимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир!»***

Яқинда пойтахтимиздаги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, ҳуқуқшунос экспертлар иштирокида ўтказилган «Фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш шароитида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институтини ривожлантириш истиқболлари» мавзусидаги давра суҳбатида ҳам худди шундай саъй-ҳаракатлар атрофлича таҳлил этилди. Ўзбекистон республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида томонидан уюштирилган бўлиб ўтган ушбу анжуманнинг биринчи мажлисида юридик фанлари доктори, профессор М.Файзиевнинг «Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳокимият ваколатларининг бўлиниш босқичлари ва механизмлари» ҳақидаги маърузаси тингланди. Шунингдек, иккинчи мажлисда юридик фанлари номзоди И.Тультеевнинг «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари бюджетини шакллантиришнинг долзарб муаммолари» хусусидаги, учинчи мажлисда эса фалсафа фанлари номзоди Ш.Мамадалиевнинг «Ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов тизимини такомиллаштириш» мавзусидаги маърузалари эшитилди.

Янги асрда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш концепцияси, бюджет хусусидаги ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳамда сайлов ўтказиш тартибига оид мулоҳазалар ҳар бир анжуман иштирокчисининг фикри-шуурида яна бир бор пайдо бўлди. Шунингдек, давра суҳбатида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Гадойбоев республикамизда бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида, давра суҳбатида қатнашган хорижлик меҳмонлар, фавқулодда ва мухтор элчилар ўз мамлакатларидаги ўзини ўзи бошқариш тизими мисолида сўз юритдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

РУКН **Телемулоқотдан сўнг**

## «МАҲАЛЛА-КЎЙ ҲАМЖИҲАТЛИГИ ТИНЧЛИКНИ БАРҚАРОРЛАШТИРАДИ!»-

***деди Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазири Зокиржон АЛМАТОВ, яқинда Тошкент телеканалида намойиш этилган «Ўз уйингни, ўз юртингни ўзинг асра, ўзинг ҳимоя қил!» мавзуида кечган телемулоқотда.***

- Биз террорнинг нималигини яхши биламиз. У инсонларнинг тинч ҳаётига ва осойишталигига раҳна солади, беҳуда қон тўкилишига сабаб бўлади. Унинг оқибатлари ўта мудҳиш, аянчли! Бугун терроризм бир вақтлардаги каби тор доирада «фаолият» кўрсатаётгани йўқ. Бу даҳшат ўчоғининг оловли ўқлари эндиликда муайян шахсгагина эмас, аксинча муайян халқлар ва муайян давлатларга қаратилган. Террор оқибатида халқлар жабр чекмоқда, шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлмоқда. Биз 1999 йилнинг 16 февралидаги воқеаларни ҳали-ҳануз унутолмаймиз. Унутишга ҳаққимиз ҳам йўқ. Чунки ўша куннинг даҳшатлари бизга террорнинг нақадар бешафқат ва аёвсиз эканини эслатиб туради.

Телемулоқотда қатнашган оқсоқол ва фаоллар эътироф этганидек ҳар қандай хавфни бартараф этишнинг энг тезкор йўли - бирдамликдир. Бу борада маҳалла оқсоқоллари олдида катта вазифалар турибди. Улар кундалик ташвишлар билан банд бўлибгина қолмай, балки маҳалла осойишталигини сақлашга кўпроқ вақт ажратсалар айни муддао бўлади. Маҳаллалар ҳудудига четдан келиб яшаётганлар шахсини аниқлаш ва уларни рўйхатдан ўтказишда оқсоқол ҳамда фаоллар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан биргаликда иш олиб боришлари зарур.

Аслида маҳаллага келиб яшаётган киши ички қонун-қоидаларга кўра уч кун ичидаёқ рўйхатдан ўтиши керак бўлади. Бу масаланинг расмий-ташкилий жиҳатлари. Лекин атрофга бир назар солсак, маҳаллаларда, айниқса кўп қаватли уйлардан ташкил топган маҳаллаларда қанчадан-қанча рўйхатдан ўтмаган, ўша жойга бегона шахслар яшамоқда. Қолаверса, миллатимизга хос бўлган кенгфеъллик сабаб ҳар бир келиб-кетувчининг мақсадию машғулотини сўраб-суриштиравермаймиз. Бироқ, айнан сергаклик, ҳар нарсадан хабардорлик, огоҳ бўлиш давр талабидир. Демак, ўрни келганда нафақат маҳалла оқсоқоли ёки ҳудуд нозирлари каби масъул шахслар балки ҳар биримиз атрофдаги ҳодиса ва кишиларга синчков назар билан қарашимиз шарт. Эндиликда бироз ҳушёр ва сергак турмасак, юз бериши мумкин бўлган ҳавфни ўз вақтида бартараф этмасак қолаверса маҳалламиз тинчлигига ўз ҳаётимизга, раҳна солган бўламиз. Шаксшубҳасиз, осойишталик ва тинчликни сақлаш учун қилинадиган саъй-ҳаракатимиз ўз маҳалламиздан бошланади. Негаки, маҳалла - катта кўч. Маҳалламиз ва юртимиз тинчлигини сақлашда ўзаро бирдамлигимиз ва ҳамжиҳатлигимиз мустаҳкам бўлсин.

**Шоалим АБДУВОСИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар Сирғали тумани А.Шерматов номли маҳалла оқсоқоли.**

## СПОРТ МУКАММАЛ ТАРБИЯ ДЕМАКДИР

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва шу асосда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори маҳаллалар ҳаётида ҳам спортнинг ролини янада оширишга хизмат қилади.***

**«Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир»** деган эдилар Президентимиз. Дарҳақиқат, шундай. Негаки, спорт кишини нафақат жисмонан, балки ақлан ҳам улғайтириб, камолга етказади. Спорт билан доимий шуғулланган бола соғлом, тийрак, ақлли ва қизиқувчан бўлиб ўсади. Бундай бола ўзига ишонади, ташқи таъсирларга берилмайди, мунтазам равишда ўзининг севимли машғулоти билан банд бўлади, демакки унинг ҳаётида соғлом турмуш тарзи қарор топади. Ёшларимиз қалбларида она Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотишда ва миллий ифтихор ҳиссини шакллантиришда ҳам спортнинг ўрни беқиёс. Спортга қизиққан, унинг аҳамиятини тушуниб етган ўсмир унинг бирор тури билан албатта банд бўлади, йирик беллашувларда қатнашиш учун бел боғлайди. Ўз юрти шарафини ҳимоя этмоққа шайланади. Мана шу мақсаднинг ўзиёқ болада юртпарварлик ва миллий ғурур туйғуларининг юзага келаётганидан далолатдир.

Бугунги кунда болаларимиз спортнинг ҳамма турлари билан шуғулланишлари учун юртимизда жамики шарт-шароитларни яратишга эътибор берилмоқда. Жойларда ёзги стадионларни ва қишки спорт залларини таъмирлаб, замонавий тарзда жиҳозлаш учун мавжуд ички имкониятлардан оқилона фойдаланилмоқда. Яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармонида ҳам «...болалар оммавий спортини ривожлантириш, истиқомат жойларида техникавий жиҳозланган, замонавий болалар спорт комплексларини барпо этиш аҳамиятини кенг тарғиб қилишни ташкил этиш ва амалга ошириш, ушбу вазифаларни рўёбга чиқаришга жамоатчиликни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик вакилларини, корхона ва ташкилотларни, шу жумладан халқаро ташкилотларни фаол жалб этиш» зарурлиги айтиб ўтилган.

Шунга қарамай, айрим чекка қишлоқларимизда ўсмир ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун яратилган қулайликлар кўнгилдагидек эмас. Қишлоқ стадионлари таъмирталаб, спорт усталари етишмайди. Натижада болалар ўз ҳолича ўйнаб ёки дуч келган жойда тўп тепиб вақт ўтказишади. Қадимдан қўллаб келинаётган турли ҳаракатли ўйинлар кичкинтойлар ўртасида кенг тарғиб этилмаётир. Бундай ҳаракатли ўйинлар эса болалар боғчалари дастурига кундалик машғулот сифатида киритилиши керак. Негаки, ҳаракатли ўйинлар ҳам аслида спортнинг бир тури ҳисобланиб, болакайларнинг жисмонан соғлом бўлишини таъминлайди ва уларни фикрлашга ўргатади. Маҳалла ва қишлоқларимизда спортга иштиёқманд болалар кўп. Уларни бир жойга жамлаш, қизиқиши ва иқтидорини аниқлаш, сўнг махсус дастурга кўра спортнинг бирор турига жалб этиш учун малакали спорт усталари керак. Агар ана шундай мутахассис кадрлар маҳалла ва қишлоқларда ҳам фаолият юритишса борми, бу жойлардаги кўплаб муаммолар ўз ечимини топган бўлур эди. Республикамиз Президентининг Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қароридан сўнг юртимизнинг барча маҳаллаларида спортни ривожлантиришга бўлган эътибор янада кучаяди, бу соҳадаги камчилик ва нуқсонлар бартараф этилади, деб ўйлаймиз. Ана шундагина ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда спортнинг ўрни анча-мунча кенгаяди.

**Mahalla**

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва Ахборот Агентлиги

00123-рақам билан рўйхатга олинган.

**Нашр кўрсаткичи:148**

**Хомий:**
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

**Тахририят манзили:**

Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

**Телефонлар:**
Қабулхона — 136-53-93,
Тел/Факс: — 133-44-25,
Масъул котиб: **136-53-75**
Хатлар бўлими:
136-57-62.

**Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.**

## Турфа олам

### ТАҚА – БАХТ БЕЛГИСИМИ?

***Тақа топиб олган киши бахтли бўлади, дейишади баъзи одамлар. Бу гапнинг бирор асоси борми ёки шунчаки айтилган гапмикан?***

Тарихий манбаларда айтилишича, отлар эрадан олдинги даврларда ҳам тақаланар экан. Ўша вақтларда мансабдор кишилар минадиган отларнинг тақаси олтин ва кумушдан ясалган. Тақалар орадан вақт ўтиши билан сийқаланиб, отнинг оёғидан тушиб қолар эди. Бундай тилла ёки кумуш тақаларни топиб олган одам бойиб кетиб ўзини ҳақиқатан ҳам бахтли ҳисоблаган чамаси.

### ЭЛЛИК КИЛОЛИК ТАНГА

***Британия музейининг қадимги танга - чақа коллекциясида «Па» деб аталувчи ниҳоятда нодир, вазни 50 килограммли танга сақланмоқда.***

Қизиқ, бу қайси мамлакатнинг пули экан? Бу пулни унча-мунча киши кўтариб ҳам юра олмайди. Музей ходимларининг аниқлашларича, «Па» тангаси Тинч океанининг ғарбий қисмидаги Яп деган оролда яшовчи халқларники экан. «Па» тангасининг ўртаси тешик гардишсимон бўлиб, уни бир неча киши ғилдиратиб, «банк» деб ҳисобланган махсус жойларга олиб боришаркан, у ерда «Па» пул ўрнида қабул қилиниб, майда пулларга алмаштириб бериларкан. Музейда бундан ҳам ажойиб чақалар бор. Улар Тинч океан ҳавзасидаги Соломон ороллари аҳолисининг пули бўлиб, бу чақалар кўршапалак тишидан ясалган. Дунёда энг майда чақа бундан ҳам кўра қадимги Ҳиндистон чақалари бўлса керак. Улар тупғич қалпоқчасидан ҳам кичик бўлган.

### ГЎЗАЛ ҲЎКИЗЛАР ТАНЛОВИ

***Жанубий Американинг Аргентина мамлакатида ғалати анъанавий танлов ўтказилади.***

Ҳар кўклам охири мамлакатда чиқадиган газеталар саҳифаси қишлоқ хўжалиги жамиятининг мукофотига сазовор бўлган ҳўкизларнинг расми билан тўлиб кетади. Шунингдек, газетада гўзаллик бобида ягона бўлган ҳўкиз учун қанча сўм тўланганлиги ҳам ёзилади. «Гўзаллик танлови» мутлақо амалий мақсадни кўзда тутади. Танлов ғолиби қорамолларнинг наслини яхшилаш учун янги подага қўшиб қўйилади.

**Рашид БОЙТУЛЛАЕВ**

РУКН

Конституциямизда белгиланган...

# Мурожаат қилиш ҳуқуқи

## Ундан ким, қандай фойдаланади?

**Инсон олий қадрият ҳисобланар экан, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини турли тўсқинликлардан, ҳуқуқбузарликлардан қонунларда белгиланган тартибда ҳимоя қила билиши лозим.**

Масалан, ҳар бир фуқаро ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини бузган шахс устидан юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят ва ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларимизнинг ушбу ҳуқуқи Бош қомусимиз -Конституциямизда ҳам белгиланган. Унда қўрсатилган мазкур норма 1995 йил 30 августда «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонунда ўз ифодасини топди.

Бу қонун суд ҳокимиятини янада мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, шу билан бирга фуқароларнинг, давлат, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказувчи хатти-ҳаракатлар ҳамда қарорлар устидан судга мурожаат қилиш билан боғлиқ ҳуқуқлар доирасини кенгайтиришга асос бўлди.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 269-моддаси 1-қисмида ҳам юқоридаги қоида ойдинлаштирилди. Бунга кўра «Фуқаро ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарор) устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори органга, мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақли»дир. Умуман олганда, фуқароларнинг давлат ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг ноўрин хатти-ҳаракатлари, ноқонуний қарорлари устидан берган шикоятларининг мазмун-моҳиятига эътибор берилса улар турличадир.

Фуқаролик ишларини судда кўришда фуқароларнинг тегишли орган ёки мансабдор шахс устидан берган шикоятлари орасида энг кўп учрайдиган тури бу - фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан мурожаатлардир. Чунки бундай ишлар кўп ҳолларда уларни турли ҳуқуқий муносабатда бўлишлари билан ифодаланади.

Баъзи ҳолларда судга шикоят билан мурожаат этилганда иш даъволи, низоли ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда судя шикоятни қабул қилиш билан уни кўрмай қолдириши тўғрисида ажрим чиқариши ҳамда умумий тартибда даъво қўзғатишни таклиф қилиши қонунда ўз ифодасини топган.

Масалан, бир фуқаро катта кўча кўча қоидаларига риоя қилиб ўз автомашинасини бошқариб келаётганда ЙҲН ходими уни тўхататди, дейлик. ЙҲН вакили фуқаро А.га кўча ҳаракати қоидаларига риоя қилмаганлигини важ қилиб унга катта миқдордаги жарима солади. Фуқаро ўзининг ҳеч қандай айби йўқлигини ва бу жарима асоссиз эканлиги ҳақида ЙҲН ходимининг мансабдор шахсига сабабларини кўрсатган ҳолда шикоят билан мурожаат этади. ЙҲН инспекцияси бошлиғи бу шикоятни ўрганиб чиқиб унинг шикоятини рад этади. Ана шу вақтдан бошлаб фуқаро ўз ҳуқуқи бузилганлиги ва ғайриқонуний қарор бекор қилинишини сўраб туманлараро судга мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Туманлараро суд ЙҲН инпекцияси бошлиғи устидан берилган шикоятни атрофлича кўриб чиқиши натижасида, ЙҲН ходими томонидан содир қилинган ҳаракат қонунга хилоф деб топса ЙҲН инспекцияси бошлиғи зиммасига йўл қўйилган қонун бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юклаш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқаради. Шу билан манфаатдор шахснинг бузилган ҳуқуқи тикланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан бериладиган шикоятнинг негизида манфаатдор шахснинг ҳуқуққа доир низоси ётади. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш органининг муайян ходими билан ўзининг бирор ҳужжатини тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган манфаатдор шахснинг талаби нотариал орган ноқонуний бажарган ҳаракати ёки нотариал ҳаракатни бажаришни асоссиз равишда рад этганлик судга шикоят билан мурожаат этиш учун асос бўладиган ҳолатлардан бири ҳисобланади.

Бундай ҳолларда таллуқлилик қоидасига кўра манфаатдор шахс қайси судга шикоят этиши мумкинлигини аниқлаш лозим. Агар ҳуқуқи бузилган шахс тегишли жойдаги касалхона, санаторий, ҳарбий қисм, ҳарбий ўқув юртида ёки қариялар ва шу каби жойларда бўлса манфаатдор шахс нотариус томонидан тасдиқланиши лозим бўлган ҳужжатларни нотўғри тасдиқланганлиги ёки уни тасдиқлашни рад этганлиги тўғрисида шу ташкилот, муассаса ҳудудида жойлашган судга шикоят бериши ҳам мумкин. Бу қоида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал кодексининг 273-моддасида ўз ифодасини топган.

Ўзининг ҳуқуқи бузилган деб ҳисоблаган шахс нотариал орган устидан судга шикоят билан мурожаат этишида у органнинг ноқонуний ҳаракати нималардан иборатлигини кўрсатиши шарт. Бунинг учун манфаатдор шахс ишга доир бўлган муҳим маълумотлар, далил ва исботлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

**М.ДОНИЁРОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти «Фуқаролик процесси» кафедраси катта ўқитувчиси.**



## Билмасангиз, билиб олинг!

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддасидан**

РУКН

Эл корига яраганлар

# ТАДБИРКОРГА ОМАД ЁР

***Нишонбой Ҳайиталиев асли бойсунлик, у билаги кучга, бели қувватга тўлган пайтда чўлга отланди. Музработ даштликларида бўстон яратаётган бунёдкорлар сафига қўшилди.***

Касби олий маълумотли иқтисодчи бўлганлиги учун хўжалик ҳисобидаги қурилиш идорасида мухосиблик қилди.

Нишонбой тадбиркорликни ҳам йўлга қўйди. Дастлаб тегирмон қурди, маҳалла аҳлининг оғири енгил бўлди. Улар томорқасида етиштирилган ғаллани орқалаб узоққа юрмайди. Нишонбойнинг тегирмони уларнинг хизматига тайёр.

- Тегирмон қурганингиз савоб иш бўлди-да, Нишонбой ака, - деди маҳалла оқсоқоли Ҳасан Қодиров. - Энди савдо дўкони ҳам очсангиз нур устига аъло нур бўларди.

- Яхши таклиф, - деди Ҳайиталиев. - Мен розиман.

- Тегирмонингиз ёнида бўш жой бор. Хароб бўлиб ётибди. Менимча шу ерни созлаш маъқулмикин... Яхшигина бино қуриш мумкин, - деди оқсоқол.

Орадан кўп вақт ўтмади. Тадбиркор Нишонбой Ҳайиталиев ғайрати билан савдо дўконига пойдевор қўйилди... Қурувчилар ҳам маҳалла одамлари. Эрта тонгдан қош қорайгунгача меҳнат қилишди. Инсон қўли гул. Бинолар тўрт ой ичида қуриб битказилди. Эндиликда бу ер маҳалла аҳлининг гавжум масканига айланган.

Туман учун чигитни қайта ишлайдиган корхона жуда зарур эди. Тадбиркор корхона қуришига имкон топди. Корхона ишга туширилганда, ишчилар сони ўттиз кишига етган эди. Уларнинг бари шу маҳалла фуқаролари. Корхонада дастлабки йили 4700 тонна чигит қайта ишланди. Халққа 71 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. 2002 йилда эса корхонада иш суръати ҳам, сифати ҳам ўзгача. Ҳар чоракда уч минг тонна чигит қайта ишланиб, ундан 450 миллион сўмлик маҳсулот олинянти. Моддий даромад ҳам, соф фойда олиш ҳам шунга яраша. Корхонанинг иқтисодий натижаларидан туман ҳам манфаатдор, маҳаллий бюджетнинг бир томонини тўлдириб турибди. Мактаблар, болалар боғчаси, кам таъминланган ўнлаб оилаларга ҳам ҳомийлик ёрдами кўрсатиляпти.

Нишонбой Ҳайиталиев раҳбарлик қилаётган «Ширин-Н» фирмасининг фаолияти халққа манзур бўлмоқда.

**Омон ШУКУРОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

*Пойтахтимизда шундай маҳаллалар борки, бу ерда яшовчи ҳар бир фуқаро ўзини ижтимоий томондан тўла муҳофазаланган, деб ҳис қилади. Халқимизда «Маҳалланг - отанг-онанг» деган ақида худди уларга қарата айтилгандай. Улар сирасига Ҳамза туманидаги Машинасозлар маҳалласини ҳам қўшиш мумкин. Айниқса, бу ерда кам таъминланган оилаларни рўйхатга олиш ва моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда кексалар, боқувчисини йўқотган ёлғизлар аҳволидан хабар олиш каби масалалар диққат марказидан қочирилмайди.*

**Суратда: (чапдан) маҳалла оқсоқоли Наим Тувалов, маҳалла посбонлари сардори Сиддиқ Маматқулов ва котиба Бекажон Давлатбоевалар навбатдаги режалар хусусида фикр алмашмоқдалар.**

РУКН

Булар икир-чикир эмас ...

# Дил хира тортмасин

*Бир неча йил аввал пойтахтимиздаги Юнусобод тумани теннис корти рўпарасидаги жарлик ювлок жойлардан бири бўлгани сабабли кечки пайтлар бу ердан ҳар ким ҳам юрак бетлаб ўтавермасди.*

Қатағон қурбонлари хотираси учун барпо этилган ёдгорликдан сўнг «Шаҳидлар хиёбони» муқаддас қадамжо сифатида ҳақиқий зиёратгоҳ тусини олди. Бўзсув атрофи кўкаламзорлаштирилди. Ўнлаб катта-кичик фавворалар шундоқ ҳам дарахтзорга бурканган, ҳавоси мусаффо хиёбонни жаннатмакон жойга айлантирди. Яқинда ўзбек халқининг буюк намояндалари хотираси ва фаолиятини акс эттирувчи, миллий меъморчилигимиз анъаналари асосида салобатли музей қурилиб, ишга туширилди. Таъкидлаш жоизки, бунёд этилган мажмуа атроф ҳудуддаги энг гўзал, файзли ва табаррук маконга айланди. Табиийки, шундан кейин бу ерга келувчилар сони янада кўпайди.

Бироқ қадамжонинг орқа томони - Дарбозакент бўйи кўчаси бошланишида - канал ёнгинасидаги жой киши кўнглини хижил қиладиган жойга айланиб қолган. Чиқиндиларнинг бу ерга олиб келиб ташланиши оқибатида кўп миқдордаги бу чиқиндилардан тепалик ҳосил бўлиб, дилни хира қилади. У шу атрофдаги хонадонлар томонидан ташланган чиқиндилар ҳисобига янада кенгайиб бораётир. Яна бир гап. Юқоридан тушадиган ёмғир сувларини каналга оқизиб юбориш ва шу билан оқава пайдо бўлишини олдини олиш мақсадида махсус бетон плиталар ётқизилган ариқ ночор ҳолатга тушиб қолган. Унинг ичи чиқиндилар билан тўлганлиги ҳамда унинг қурилиши охирига етказилмаганлигидан кўча бошланиши бу йил ҳам оқава сувлар тўпланадиган жойга айланиши турган гап.

- Худди шу ердан ўтувчи сув қувурлари булдозерлар «оёғи остида» шикастлангани сабабли доимо сув сизиб чиқади, - дейди шу кўчада яшовчи фуқаро Ботир Хўжа Рустамхўжаев, - 1-Отчопар маҳалласидан келувчилар, айниқса кексалар, ёш болали аёллар ҳалқоб жойдан ўтолмай қийналишмоқда. «Сувсоз» трестига мурожаат қилинди. Вакиллар келишди-ю ҳеч қандай чора-тадбир кўрмай кетиб қолишди. Бу ҳолат қачон бартараф этиларкин?

Дарҳақиқат, мутасадди ташкилот, идоралар ана шу камчиликларга барҳам беришни ўйлаб кўришса кўпчилик кўнглидаги иш бўларди.

**А.МАННОПОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

## РЎЗАДА САЛОМАТ БЎЛИНГ

Аллоҳ Таоло одамларнинг куч-қуввати қандайлигини яхши билгани учун: - «Сизларга фақат енгилликни истайман» - деган. Инсон касалликлари икки хил бўлиб, биринчиси меҳмон касаллиги, дейилади (шамоллаш, грипп, бош оғриғи, ич кетиш ва б.). Мусулмон киши бундай касалликлар тузалиб кетгандан кейин бемор неча кун рўза тутмаган бўлса рўза тутиб фарзни бажарса бўлади. Иккинчиси - давомли касалликлар. Булар ошқозон-ичак яраси, қандли диабет, қон босими, сил, камқонлик, астма, юрак, асаб, жигар, буйрак касалликлари кабилар. Булар узоқ давом этиши мумкин. Шунинг учун шифокорлар иккинчи хил касалликларга дучор бўлган кишиларга рўза тутмасликни тавсия этишади. Зотан бу ҳолат Ислом ҳукуматларида ҳам шундай эътироф этилади. Ундай кишилар фидя берадилар. Рўза тутмаган кунлари учун ҳомиласи бор, эмизикли аёллар ҳам шундай қиладилар.

«Аслида кам ейиш давонинг бошидир. Бутун дардлар ошқозоннинг тўқлигидан ва совуқдан пайдо бўлишини қадимдан Гиппократ, Ибн Сино, Розий каби машҳур олим ва табиблар таъкидлашган. Лекин баъзи бир касалликлар ейиш, ичиш билан тузаладилар, булар бундан мустаснодирлар. Кўпчилик ҳолларда рўзанинг бошида 5-10 кун ўтгач, айрим рўзадор кишиларнинг шифокорларга мурожаат қилиш, рўзасини очиб юбориш ёки касалхонага тушиш ҳоллари учрайди.

Шу боисдан рўза тутиш даврига оид баъзи бир маслаҳатларимизни ўртага ташламоқчи эдик:

Саҳарликда ва ифторликда оғиз очилгач бир пиёла сув ичиб, орқасидан бироз ҳўл мева ва сабзавот истеъмол қилиш кони фойда.

Саҳарликда енгил, витаминларга, минерал моддаларга бой ва қувватбахш таомлар меъёрида тановул қилингани маъқул (шакарли нон ёки гуруч талқони, лочира нон, туршак чой, асал, сариёғ ёки қаймоқ, сутли ва буғда пиширилган овқатлар).

Кун бўйи оч юриб бирданига кўп ва кучли овқат ейиш кони зарар. Шунинг учун ифторликда хилма-хил таомлардан оз-оздан меъёрида ейиш яхши (унча ёғли бўлмаган суюқ овқатлар, сутли овқатлар ширгуруч, ширхўрда ва б.).

Қовурилган ёғли гўштли овқатларнинг ҳазм бўлиши қийин кечади. Шу боис, ошқозонда заҳарли моддалар кўпайиб, у қон таркибига таъсир этиши натижасида, турли хасталиклар келиб чиқишини унутманг.

Юқоридаги тартибда рўза тутилса, Худо хоҳласа, рўзанинг шарофати билан рўзадорлар ўзини енгил ҳис этиб, бир қатор хасталиклардан халос бўлиб, соғ-омон бўладилар.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ,**
**доцент.**

Ҳожи Аҳмаджон БОБОМУРОД

# Мажлисларда ўтириш одоби

***Мажлисларда киши ўзини қандай тутиши лозимлигини биз Пайғамбаримизнинг ҳадисларидан билиб олишимиз мумкин.***

Мажлис дейилганда илмий, зикр, ақиқа, жума, тўй ва худойи мажлиси, дунё ва охиратга фойда бўладиган йиғинлар тушунилади. Буларда киши ўзини қандай тутиши лозимлигини биз Пайғамбаримизнинг ҳадисларидан билиб олишимиз мумкин. Саҳоба Абдуллоҳ бин Умар Пайғамбаримиздан ривоят қилиб бундай дейди: «Мажлисга келган бирон киши бошқа бир кишини ўрнидан турғазиб ўрнига ўтирмасин. Озгина сурилишиб, келган кишига жой беринглар». Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда бундай дейилади: «Бирон киши мажлисдан чиқиб, маълум бир муддатдан кейин қайтиб кирса, яна жойига ўтиришга ҳақлироқдир». Яна бир ҳадисда Пайғамбаримизнинг мажлисда ўзларини тутишлари ривоят қилинган: «Пайғамбаримиз бирор мажлисга келганида ҳеч кимни ўрнидан турғизмасдан, бўш жойга ўтирар эдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўтирган жой мажлиснинг бошига айланарди. Саҳобалар ўз мартабаларига қараб ўтиришар, Абу Бакр Сиддиқ Расулуллоҳнинг ўнг томонларида, ҳазрат Умар чап томонларида, Усмон Пайғамбаримизнинг яқинларида ўтирардилар, чунки улар доимо ёзишга шай бўлиб туришлари ва Пайғамбаримизга келган ваҳийларни ёзиб олишлари лозим эди». Бу ҳадиси шарифларда Пайғамбаримизнинг қанчалар камтар ва адолатли бўлганликлари яққол кўриниб турибди.

Пайғамбаримиз Бадр жангида иштирок этган саҳобаларни жуда ҳурмат қилардилар. Бир жума мажлисида Пайғамбаримиз саҳобалар билан бир сафда ўтирганида бир неча Бадр жанги иштирокчилари келиб салом беришди. Расулуллоҳ алайҳиссалом алик олдилар. Ўтирган саҳобалар Бадр аҳли учун жой бўшатишмади. Бу беодоблик Пайғамбаримизга қаттиқ ботиб, ўтирган кишилардан Бадр аҳли миқдорича кишини: «Сен тур, сен тур», деб ўрнидан турғизиб, уларнинг ўрнига Бадр аҳлини ўтқиздилар.

Мунофиқлар эса фурсатдан фойдаланиб: «Қаранглар, адолатли деган пайғамбарингиз аввал келганларни ўрнидан турғизиб, кеч келганларни ўтирғизди», деб шовқин солдилар. Шунда Расулуллоҳ дедилар: «Ўз биродарларига жой берган кишиларга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин».

Сўнг бошқалар ҳам шошилиб ўринларидан туриб, биродарларига жой бердилар. Шу пайтда «Мужодала» сурасининг 11-ояти нозил бўлди: «Эй мўминлар, қачон сизларга (суҳбатларда) дўст-биродарларингиз келиб, «бизларга ҳам жой берингиз», - дейилса, дарҳол жой берингиз. Аллоҳ сизларга ҳам (хоҳлаган ерингиздан) жой берур. Яна қачон «туринглар», дейилса, дарҳол туринглар. Аллоҳ сизлардек иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартабалар)га кўтарур, Аллоҳ қилаётган амалларингизлан хабардордир».

Бу ояти каримадан илмли ва иймонли кишиларнинг Аллоҳ ҳузурида мартабаси улуғроқ эканлиги маълум бўлади. Пайғамбаримиз ҳам ҳадисларидан бирида шундай дейди: «Анзилунноса манозилаҳум». Маъноси: «Аҳли фозилларнинг ҳурматини ўз жойига қўйинг, сурилиб ёки ўрнингиздан туриб уларга жой беринг».

«Пайғамбаримиз Бани Қураза қабиласига бориб, Саъдни уларга ҳоким қилиб тайинладилар. Саъд тушган жой Расулуллоҳга яқин эди. Бир куни Пайғамбаримиз Саъдни чақириб келиш учун одам жўнатади. У киши (Саъд) эшак миниб келдилар ва масжидга яқинлашганларида Расулуллоҳ ансорийларга қараб: «Бошлиқларинг ҳурмати учун ўринларингдан турингларр», дедилар.

Пайғамбаримиз бир куни Умар разияллоҳу анҳу билан суҳбатлашиб ўтирганида Абу Бакр Сиддиқ келиб қолдилар. Умар у кишининг ҳурмати учун ўрнидан турганда Пайғамбаримиз хурсанд бўлиб дедилар: «Албатта аҳли фозиллар билади».

Бу ҳадисдан олимлар, устозлар, адолатли ҳоким ва қозиларни ҳурмат қилиш лозимлиги маълум бўлади. Расулуллоҳ масжидда ўтирганларида бир киши кириб келди. Пайғамбаримиз ўринларидан бир қўзғалиб қўйдилар. У киши: «Эй Расулуллоҳ, масжидда жой кўпку, нега менга жой бермоқчи бўлгандек ўрнингиздан бир қўзғалиб қўйдингиз?» - деб сўради. Шунда Расулуллоҳ: «Ҳар бир мусулмоннинг ҳурмат қилинишига ҳаққи бор», дедилар. Бошқаларнинг ўзига ҳурматэътибор кўрсатишини истайдиган, ўзини катта тутадиган, мажлисларда кибру ҳаво билан тўрдаги ўринларга интиладиган кишилар учун охиратда аламли азоблар бор.

Шу сабабдан мусулмонлар йиғиладиган жойларда албатта Қуръон тиловати, амри маъруф ва наҳйи мункар қилинади. Саҳоба Абу Ҳурайра Пайғамбаримиздан ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: «Бирон-бир мажлисда ғала-ғовур кўпайса, мажлисда ўтирган мусулмонлар ўринларидан турмасдан: «Ё Аллоҳ, Сени поклайман ва Сенга ҳамд айтаман. Гувоҳлик бераманки, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Гуноҳимни кечиришингни сўрайман ва Сенга тавба қиламан», деб дуо қилиб, кейин туришлари лозим». Қуръон тиловат қилинмаган, амри маъруф ва наҳйи мункар айтилмаган мажлисларда қатнашиб қолган мусулмонлар албатта ушбу дуони ўқиб сўнгра туришлари лозим.

***Байт:***
***Бировким қилса олимларга таъзим,***
***Қилур гўёки Пайғамбарга таъзим.***

РУКН

Рамазон ойи сабоқлари

# Маҳалла ёшлари ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт ишларини ташкил этувчи педагог-тарбиячиларнинг фаолияти тўғрисида

# НИЗОМ

## 1.УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майдаги 162-сонли Қарорига асосан вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт ишларини ташкил этувчи педагог-тарбиячиларнинг ишини ташкил этилишини, иш ҳужжатларининг юритилиш тартиби, лавозим вазифалари, ваколатлари, мажбурият ва ҳуқуқларини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

1.2. Педагог-тарбиячи ўзи хизмат қилаётган ҳудудда профилактика ва вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспекторлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, умумтаълим мактаб маъмуриятлари, спорт қўмиталари, кенг жамоатчилик ва меҳнат жамоаларининг ёрдамига таянган ҳолда ёшлар ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, улар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишини олдини олиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги талабларни бажариш бўйича маҳалла, фуқаролар йиғинларининг асосий вакилидир.

Ҳудудда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишида иш юритаётганлар олиб бориладиган барча профилактик тадбирларда педагог-тарбиячилар билан яқин ҳамкорлик қилишлари ҳамда ўзаро ахборот алмашувини йўлга қўйишлари шарт.

1.3. Педагог-тарбиячи ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Президент Фармонлари, Фармойишлари, ушбу Низом, вилоятлар, шаҳар-туман халқ депутатлари Кенгашлари ҳамда ҳокимликларнинг Қарор ва Фармойишлари асосида олиб борадилар.

1.4. Педагог-тарбиячи хизмат фаолиятида қонунчиликка қатъий риоя қилиш, юқори даражада ҳуқуқий маданиятли бўлиш, жамоатчилик ёрдамига доимий таяниш ва оилада бенуқсон хулқ-атворга эга бўлиш тамойилларига таянади.

1.5. Педагог-тарбиячи лавозимига маҳаллада доимий истиқомат қилувчи, камида 5 йиллик педагогик стажга эга, вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлашга қобилиятли, ташаббускорлик хусусиятларига эга бўлган, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан етук, маҳалла, ота-оналар ва кенг жамоатчилик ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган, педагогик ҳамда тарбиявий йўналишда олий маълумотли, судланмаган, бошқа лавозимларда ишламайдиган номзодлар танлов асосида тайинланади.

1.6. Педагог-тарбиячиларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш шаҳар-туман ҳокимликлари ва ички ишлар идораларининг масъул раҳбар ходимлари билан келишилган ҳолда маҳалла фуқаролар йиғининг қарори билан амалга оширилади.

## 2.ПЕДАГОГ-ТАРБИЯЧИЛАР ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Педагог-тарбиячиларнинг вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспекторлари, жамоатчилик, умумтаълим мактаб, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва спорт қўмиталари билан ҳамкорликдаги фаолиятини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси ҳамда профилактика (катта) инспектори ташкиллаштирадилар.

2.2. Лавозимга янги тайинланган педагог-тарбиячини хизмат ҳудудининг ўзига хос хусусиятлари, жамоатчилик тузилмалари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси маъмурий ҳудуд фаоллари йиғилишида таништиради.

2.3. Педагог-тарбиячиларнинг вояга етмаганлар ва ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, унга қарши кураш йўналишида ҳуқуқий ҳамда педагогик услубий қўлланмалар, кўргазмали жиҳоз ва иш қуроллари билан таъминлашда шаҳар-туман халқ таълими бошқармалари амалий ёрдам кўрсатадилар.

2.4. Педагог-тарбиячиларнинг иш тартиби вазиятдан келиб чиққан ҳолда профилактика инспекторлари томонидан белгиланади. Бунда ҳудуддаги муассаса, корхона ва ташкилотларнинг иш вақтлари ҳисобга олинади.

Иш куни давомида барча педагог-тарбиячилар профилактика (катта) инспекторлари ва маҳалла оқсоқоллари билан мунтазам равишда алоқада бўлиб турадилар.

2.5. Педагог-тарбиячиларнинг кундалик иши вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишида фаолият олиб борувчи тегишли муассасалар, идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган иш режаси асосида ташкил қилинади.

2.6. Педагог-тарбиячи ўзининг хизмат фаолияти натижалари бўйича ҳар чорак якунида хизмат ҳудудидаги шаҳар-туман халқ таълими, маҳалла фуқаролар йиғини, ички ишлар идоралари ва бошқа тегишли идоралар масъул раҳбарларига ҳисобот бериб борадилар ҳамда аҳоли ўртасида учрашув ўтказадилар.

2.7. Педагог-тарбиячилар хизмат фаолиятлари даврида профилактика инспектори, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспектори, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, спорт қўмитаси, халқ таълими бўлими ва унинг жойлардаги тизимлари билан узвий ҳамкорликда ишлайдилар.

2.8. Ҳудудда маънавият ва миллий қадриятларга қарши турли кўринишдаги хатти-ҳаракатларнинг пайини қирқиш, одоб-ахлоқ меъёрлари бузилишининг олдини олишга қаратилган чораларни кўради.

2.9. Ҳудудда вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни таҳлил қилади ҳамда иш фаолиятини келгусида шу асосда режалаштиради.

2.10. Ички ишлар идоралари томонидан вояга етмаганлар қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган «Ўсмир», «Ғамхўрлик» каби профилактик тадбирларида фаол қатнашади.

2.11. Педагог-тарбиячининг аҳоли, айниқса ёшлар ўртасидаги обрўси, унинг фаолиятини баҳоловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Профилактик ҳисобда турганлар ва ёшлар муаммоси билан шуғулланадиган идоралар билан ишлай олиш қобилияти, ҳудудининг ўзига хос хусусиятларини ва у ерда яшаётган аҳолини мукаммал билиши, жисмоний ва касбий тайёргарлик даражаси унинг хизмат маҳоратини белгилайди.

## 3.ПЕДАГОГ-ТАРБИЯЧИЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Профилактика инспекторлари ва вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспекторлари билан ҳамкорликда амалга оширадиган вазифалар:

3.1. Маҳалла ҳудудида ёшлар ва вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш йўналишида юқорида таъкидланган муассасалар билан ҳамкорликда ҳар чоракка мўлжалланган иш режасини ишлаб чиқади ва шу асосда тадбирларни амалга оширади.

3.2. Маҳаллада вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашда профилактика инспектори билан узвий ҳамкорликда якка ҳамда умумий тартибда тарбиявий-профилактик ишини амалга оширадилар.

3.3. Вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишини дастлабки босқичида олдини олиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга ундовчиларни ва содир этилиш сабабларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини кўради.

3.4. Ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойиллиги бор ёшларни аниқлайди, улар билан тарбиявий-профилактик ишларни амалга оширади ҳамда ички ишлар идоралари профилактик ҳисобида турган ҳуқуқбузар вояга етмаганлар билан ўрнатилган тартибда тарбиявий - профилактик ишларни амалда таъминлайди.

3.5. Маҳаллада вояга етмаганлар орасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқ-тартибот идоралари, ҳуқуқшунослар, таниқли спортчилар, санъаткорлар, психологлар, тиббиёт ходимлари иштирокида (ҳуқуқий, маърифий-маънавий, гиёҳвандлик, ОИТС, ичкиликбозлик, тамаки маҳсулотларини чекиш каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган) тарбиявий акциялар, учрашувлар, давра суҳбатларини ташкиллаштиради.

3.6. Ёш авлодни миллий-тарбиявий усуллар билан ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий ғурур, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий мафкуравий онглилик, миллий истиқлол ғоялари, миллий одоб, фидойилик фазилатларини шакллантиришда таълим муассасалари, ижодий ташкилотлар ва бошқалар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

3.7. Вояга етмаганлар ва ёшлар орасида ҳар қандай кўринишдаги сепаратизм ва экстремизмга қарши қаратилган билим ва маълумотларга эга бўлишларига кўмаклашиш мақсадида (таниқли олимлар, мутахассисларни жалб этган ҳолда) қизиқарли учрашувлар ўтказишни таъминлайди.

3.8. Маҳалла шароитига қараб таътил пайтида ёзги оромгоҳларга жалб этилмаган болалар учун дам олишни ташкил этишда масъул идораларга кўмаклашади.

3.9. Жазони ўташ жойларидан, ёпиқ турдаги махсус ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган ўсмир ва ёшларга ижтимоий ҳаётга мослашиб, ўз ўринларини топишларида, иш ёки ўқишга жойлашишда кўмаклашади.

3.10. Ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турган вояга етмаганларнинг дунёқараши, қизиқиши ва уларнинг ҳуқуқбузарлик содир этишга ундовчи омилларни аниқлаш ва уни бартараф этиш чораларини кўради.

3.11. Ички ишлар идоралари профилактик ҳисобларида турган фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналарнинг фарзандлари ва кам таъминланган оилаларда тарбияланаётган ўсмирлар билан келажакда улар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида тарбиявий профилактик ишларни амалга ошириб, зарур деб топилганда моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида маҳалла йиғинларига таклифлар киритади.

3.12. Ота-оналар билан доимий алоқада бўлади, зарур бўлганда жамоатчиликни жалб этган ҳолда ота-оналарга фарзандларининг тарбияси бўйича амалий-услубий ёрдам кўрсатади.

Фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналарни маҳаллада фаоллар ўртасида муҳокама қилади.

3.13. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишда тегишли ҳужжатлар тўплашда профилактика инспекторларига ёрдам кўрсатади.

3.14. Маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи ёшларнинг қанчаси умумтаълим мактабларининг 9-11-синфларини битирганлиги, шундан нечтаси ўқув юртларига ўқишга киргани, нечтаси ишга жойлашгани, қанчаси ўқимай-ишламай юрганлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлади.

3.15. Педагог-тарбиячи маҳалладаги таълим муассасалари вакиллари, профилактика инспекторлари билан биргаликда ота-онасиз қолган болалар ва ўсмирларни, болаларни тарбиялаш учун тегишли шарт-шароитни таъминлай олмайдиган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни, ишламайдиган, ўқишдан бўйин товлайдиганларни, шунингдек, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлганларни аниқлаб улар билан маҳалла фаоллари ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида таълим-тарбиявий ишларни ташкиллаштиради.

3.16. Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида маҳалла аҳолиси, умумтаълим мактабларида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитлари ва оғир оқибатлари тўғрисида учрашувлар ўтказади.

3.17. Оила-турмуш доирасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар таҳлилини ўрганиб боради ҳамда бунинг натижасида ота-оналар томонидан вояга етмаган фарзандларига нисбатан салбий таъсир кўрсатилишининг олдини олиш мақсадида шундай оилаларни аниқлайди ва профилактик тушунтириш ишларини амалга оширади.

Оилалардаги вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш чораларини ташкиллаштиради.

3.18. Ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши кураш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказади ҳамда уларга ички ишлар идоралари профилактик ҳисобларида турган вояга етмаганларни жалб этишни таъминлайди.

3.19. Диний идоралар ва имом-хатиблар билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ва ёшлар орасида диний экстремизм, ақидапарастлик ғояларига қарши қаратилган («Дин ва терроризм» ва шунга ўхшаш мавзуларда)учрашувлар ўтказиб боради

## 4. «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТИЗИМЛАРИ, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ, ЛИЦЕЙ ВА МАКТАБ МАЪМУРИЯТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР

4.1. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тизими бўлимлари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар орасида ўз ватани ва халқига садоқатли, ҳуқуқий онгли инсонлар бўлиб етишишлари учун («Ватан - саждагоҳ каби муқаддасдир», «Ўзбекистон - Ватаним менинг», «Ватан - остонадан бошланади» деган мавзуларда) турли викториналар ўтказишни ташкиллаштиради.

4.2. Умумтаълим мактаб ва касб-ҳунар коллеж, лицей ўқувчилари ўртасида ҳуқуқий мавзуда ўтказиладиган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловларига ички ишлар идоралари профилактик ҳисобларида турувчи тарбияси оғир ўсмирларни қайта ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишларидан сақлаш, ҳуқуқий онгларини бойитиш мақсадида жалб этади.

4.3. Тарихий обидаларга саёҳатларни ёшлар ҳаракати, маҳалла ва мактаб маъмуриятлари билан ҳамкорликда ташкиллаштиради.

4.4. Маҳалладаги кам даромадли оилалар фарзандларини болалар оромгоҳларига имтиёзли, бепул йўлланмалар билан таъминлашда фаол иштирок этади.

4.5. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида мусиқа, қўшиқ, рақс, шеърхонлик, иншо ва нафис санъат танловларини ташкиллаштиради.

4.6. Вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ҳуқуқий мавзуларда интеллектуал ўйинлар ва викториналарни ташкиллаштиради.

4.7. Касбга йўналтирувчи, қизиқишлар, хоббилар бўйича танловлар ўтказади.

4.8. Вояга етмаганлар ва ёшларнинг маданий хордиқ чиқаришларига қаратилган тадбирларни ташкил қилади.

## 5. СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА БАЖАРАДИГАН ВАЗИФАЛАР

5.1. Вояга етмаганларни жисмонан бақувват ва соғлом тарбиялаш мақсадида умумтаълим мактаблари маъмурияти билан оммалашган спорт турлари бўйича тўгараклар фаолиятини ташкиллаштиради.

5.2. Ўсмирларнинг ақлий онгини ошириш мақсадида шахмат-шашка тўгаракларини ташкил этиб, шу йўналишда мусобақаларни ўтказади.

5.3. Республика, вилоятлар миқёсида ўтказиладиган спорт мусобақаларини томоша қилишга жалб этиш тадбирларини ташкил қилади. Бунда ички ишлар идоралари профилактик ҳисобида турган ўсмирларни жалб этишга катта эътибор берилади.

5.4. Маҳаллада ҳуқуқбузарликка мойил ва вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлимларида профилактик ҳисобда турганлар ўртасида турли хил спорт мусобақаларини ташкиллаштиришда фаоллик кўрсатади.

5.5. Маҳалла гузарларида вояга етмаганлар ва ёшларни бўш вақтларида оммавий-спорт мусобақаларини ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар, бу йўналишда юқори кўрсаткичларга эришаётган ёшлар ҳақида имконият даражасида оммавий ахборот воситаларида ёритиб боришни йўлга қўяди.

## 6. МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ ВА ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ВАЗИФАЛАР

6.1. Ёшлар ва вояга етмаганларни меҳнатга лаёқатли қилиб тарбиялаш мақсадида пойафзал тикиш ва таъмирлаш, соатсозлик, дурадгорлик, наққошлик, чилангарлик, автомобилларни таъмирлаш, миллий ҳунармандчилик устахоналари, сартарошхоналар, нонвойхоналар ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехларида «Усто-шогирд» анъаналарини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

6.2. Вояга етмаган ёш қизларни касбга йўналтириш, қизиқтириш мақсадида каштачилик, тикувчилик тўгараклари ва кийим бичиш, тикиш цехларига олиб бориб таништиради.

6.3.Ўзи хизмат қилаётган маҳаллада яшайдиган вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари ва уларни бирон-бир «жиноят олами»га кириб қолмасликлари мақсадида чора-тадбирлар белгилайди ва ички ишлар идоралари, маҳалла аҳли ҳамда жамоатчилик билан биргаликда амалга оширади.

6.4. Маҳалланинг эътиборга лойиқ жойларида ёки милиция таянч пунктида ўқитиш, жамоат ишлари, спорт ва маданият соҳаларида ютуқларга эришаётган ёшлар ва вояга етмаганлар ҳаётига оид деворий газеталарни ташкил этади.

6.5. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тизими, «Маънавият ва маърифат» Маркази қўмагида газета ва журналлар, турли маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар билан ташкил этилган «Маърифат хонаси»ни оптимал миқдорда таъминланишини ташкил этади.

6.6. Маҳаллада вояга етмаганлар ва ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш бўйича профилактик ишларда ютуқларга эришган педагог-тарбиячиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганадилар ҳамда хизмат фаолиятида қўллайдилар.

6.7. Педагог-тарбиячи хизмат лавозими юзасидан профилактика инспектори билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар бўйича батафсил маълумотнома тайёрлайди ва маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли ҳузурида ҳисобот беради.

## 7. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ВА МЕҲНАТ БЎЛИМЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ВАЗИФАЛАР

7.1. Маҳалладаги вояга етмаганлар ва ёшларни иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида шаҳар-туман ҳокимликларига кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун имтиёзли шарт-шароитлар яратиш ҳақида таклифлар билан чиқади.

7.2. Маҳалладаги барча вояга етмаган ва ёшларнинг нима билан бандлигини аниқлайди. Ишламай юрган ёшларни корхона, ташкилот ва хўжаликларга ишга жойлаштириш юзасидан таклифлар киритади.

7.3. Меҳнат бўлими ходимлари билан корхона, ташкилотлардаги бўш иш ўринларини аниқлайди ва вояга етмаганлар ва ёшларга ишга жойлашишда кўмаклашади.

7.4. Вояга етмаганлар ва ёшларни иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида «Иш ўринлари ярмаркалари» ўтказилаётганда ишсиз вояга етмаганлар ва ёшларни қатнашишларини ташкил этишда фаоллик кўрсатади.

## 8. ПЕДАГОГ-ТАРБИЯЧИЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Хизмат ҳудудининг харитасини, иш режалари ва таҳлилий-ҳисобот ҳужжатлари, жиноятчиликка қарши кураш ҳамда унинг олдини олиш борасида давлат органлари ва корхона, ташкилотлар билан олиб борилган ёзишмалар бўйича йиғма жилдларни юритади.

8.2. Қонунчилик ва меҳнат интизоми талабларига оғишмай амал қилади.

8.3. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, «Камолот» ёшлар ижтимоий Ҳаракати тизими, халқ таълими бошқармаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ва ёшларни ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича иш олиб боради.

8.4. Ўз билим доирасини, ижтимоий-сиёсий дунёқарашини ривожлантириб бориш, соғлиги ва жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлаб, касб маҳоратини ошириб боради.

8.5. Вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлашда касбий, психологик билимларини оширади ва ривожлантиради.

8.6. Вояга етмаганлар ва ёшлар, оилаларнинг ўзига хос сирларини ўзгаларга ошкор қилмаслиги шарт.

8.7. Касб лавозимларини бажариш жараёнида ўз манфаатини давлат манфаатидан юқорига қўймаслиги лозим.

8.8.Маҳаллада истиқомат қилувчи кам таъминланган, кўп болали оилаларга мансуб ўқувчиларга бепул ўқув қуроллари, кийим-бош ажратиш тўғрисида таълим муассасаси ва фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритади.

8.9.Маҳалладаги вояга етмаганлар ишлари билан боғлиқ муаммолар юзасидан ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга вояга етмаганлар ва ёшлар орасида қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан расмий равишда таклифлар киритади.

8.10. Оммавий-ахборот воситаларида вояга етмаганлар, ёшлар ютуқлари, муаммолари тўғрисида имконият даражасида чиқишлар қилади.

## 9. ПЕДАГОГ-ТАРБИЯЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

9.1. Вояга етмаганлар ва ёшларнинг тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналардан жамиятга зид хатти-ҳаракатларини тўхтатишни сўрайди ва тушунтириш олиб боради.

9.2. Тарбияси оғир, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойил вояга етмаганлар ва ёшлар, шунингдек фарзанд тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналар билан якка тартибда тарбиявий профилактик суҳбатларни ўтказиш мақсадида уларни хизмат хонасига таклиф қилади.

9.3. Жамоат жойларида ҳуқуқбузарликлар содир этаётган шахсларни тартибга чақириш ва милиция таянч пунктларига олиб келиш.

9.4. Корхона, ташкилотлар раҳбарларига ёшларни ишга жойлаштириш масаласида таклифлар киритади.

## 10. ПЕДАГОГ-ТАРБИЯЧИЛАРНИНГ ИШ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Педагог-тарбиячи иш натижалари қуйидаги мезонлар билан баҳоланади:

10.1. Педагог-тарбиячилар фаолиятининг якунлари вояга етмаганлар ва ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашдаги иштироки;

10.2. Хизмат ҳудудида вояга етмаганлар ва ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг ўсиш ва камайиш коэффициенти,

10.3. Тарбияси оғир, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этишга мойил бўлган ўсмирларни қайта тарбиялаш йўналишидаги роли, эришган натижалари;

10.4. Фарзандлари тарбияси билан шуғулланмайдиган ва уларга салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналарни аниқлаш, бундай тоифадагилар билан олиб борилган профилактик тарбиявий ишларнинг самарадорлиги;

10.5. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши курашда тегишли давлат идоралари ва жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширган ишлари даражаси;

10.6. Ўқимай ва ишламай юрган вояга етмаганлар ва ёшларни ишга жойлаштириш, ўқишга қайтариш борасида амалга оширган ишлари натижаси;

10.7. Педагог-тарбиячининг аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида обрўси;

10.8. Профилактик ҳисобда турганлар ва ёшлар муаммоси билан шуғулланадиган идоралар билан ишлай олиш қобилияти, ҳудудининг ўзига хос хусусиятларини ва у ерда яшаётган аҳолини мукаммал билиши;

10.9. Жисмоний ва касбий тайёргарлик даражаси;

10.10. Педагог-тарбиячининг ўз лавозими вазифаларини бажаришда илғор иш тажрибаларини жорий этиши.

РУКН Китоб жавонингизга

# Азизларни ардоқлаб

***Ўзбекистон фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Қарияларни қадрлаш йилига яна бир қимматли маънавий неъматни ҳадя этди.***

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, пойтахтимизда танилган, элулус ардоғига сазовор, иймон-эътиқодли, садоқатли, камтар-камсуқум, муҳтарам падари бузрукворларимиз, волидаи меҳрибонларимиз, устозларимизнинг бой ва мазмунли ҳаётлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Эл ардоғида» номли очерк, лавҳалар тўплами нашрдан чиқди. («Шарқ» нашриёти. 2002 й.) Муаллиф қадрли нуронийларимиз сафида тинмай ижод қилиб келаётган журналист-ёзувчи Исмоил Сулаймонов ўзига яқин, қалбидан, шууридан ўтказиб келаётган бу долзарб мавзуни бадиий содда тил, воқеалар кўзгусида кўрсатиб, публицистик адабиётимизни янги бир рисола билан бойитди.




Мундарижасида бевосита ўн етти оқсоқол, онахонни, улар атрофида ўнлаб нуронийларнинг муқаддас исм-шарифларини, умр дафтарларини қамраб олган ушбу китоб қаҳрамонлари аксари, ўзбек ва бошқа миллат вакиллари, турли соҳа одамлари бўлсалар-да, уларни ажойиб бир инсоний, ўзбек халқига хос фазилат олтин ҳалқадек бирлаштириб туради. Ўзбекистон Қаҳрамонлари қорақалпоғистонлик ўқитувчи Алланиёз Ўтениёзов, бухоролик моҳир зардўз Муяссар Темирова ҳақидаги очеркни ўқисангиз худди мўъжизалар содир қилишга қодир афсонавий қаҳрамонлар даврасига кириб қолгандай бўласиз. Алланиёз Ўтениёзов мактабдан бўш вақтида 40 оилага хайр-саховат сифатида ҳақ олмасдан бошпана солиб берди. «Нуроний» жамғармаси туман бўлинми ҳузурида 10 гектарли «Саховат» деб аталувчи деҳқон-фермер хўжалигини тузиб, даромадини овул фуқаролар йиғини орқали ёлғиз қарияларга, кам таъминланган оилаларга, мактаб ва боғчаларга сарфлаб келади.

Оддий, истеъдодли аёл, меҳрибон она, қўли гул уста Муяссархон Темирова ижод қилиб тиккан зардўзлик буюмлари кўргазмасига кирсангиз Ўзбекистон манзаралари кўз ўнгизда намоён бўлади.

Нуроталик Турсун бобо Эргашев, тошкентлик жамоатчи деган фахрли ном эгаси Молдованов, янгийўллик Ўлмас Машарипов, қаршилик Тўра бобо Мансуров сингари қуёшдек барчага баробар ҳарорат бахш этиб келаётган, тириклигидаёқ беминнат, ҳалол бунёдкорлик ишлари билан ўзларига ҳайкал яратган отахонларнинг ҳотамтойлигига таҳсинлар ўқийсиз.

Муаллиф эл корига, инсонлар тақдирига, юрт равнақини яратаётган, миллий истиқлол ғоясининг халқимиз, айниқса ёшлар онги ва қалбига сингдиришга, ҳуқуқ маданиятини оширишга жон куйдираётган фидойи зиёли оқсоқолларимиз, ижодкорларга урғу берар экан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими Мадаминжон ота Ҳасанов, устоз журналист-ношир Зиёд Есенбоев, шоир Назармат, публицист-адиб Расул Раҳмонов, генерал-майор Ғафуржон Раҳимовларнинг намунали умргузаронлик йиллари-ю, элулусга бахшийда фаолиятларини ёритади. Президентимиз илгари сураётган адолатли, фуқаролик жамиятини барпо этишдек буюк мақсадни амалга ошириш борасида гап кетганда ўзбек халқининг ноёб бошқарув ихтироси-маҳалла фуқаролар йиғини ва унинг фахрийларини тасвирлайди. Тошкент шаҳридаги Илғор маҳалла раиси Аҳмаджон ака саъй-ҳаракатлари орқали ҳамма ўрнак олса арзийдиган бағрикенглик, меҳр-шафқат каби хислатлар очиб берилади.

Китоб қалби инсонга юксак ҳурмат нури билан лимм-лим тўлган фахрийларга нисбатан муҳаббат уйғотади.

«Нуроний» жамғармаси Фарғона вилоят бўлинми кенгашининг раиси Усмонали Бегматов ҳақидаги очерк, «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгашининг раиси Эркин Боқибоевнинг «Қариялар - эл фахри, юрт ифтихори» сарлавҳали кириш сўзи китоб қимматини янада оширади.

**Р.КАЮМОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

РУКН Тарихдан тариқча

Жалолиддин ҲАСАН

**Милоддан аввалги 324 йилда Марказий Осиёга бостириб кириб келган Искандар Зулқарнайн босиб олган шаҳарларидан бири Сузда жуда катта тўй берди... Тўйда буюк истилочи сафдошларини, қўшиннинг жасур жангчиларини маҳаллий халқ қизларига уйлантиради. Бу пухта ўйланган маккорона сиёсат бўлиб, ўша давр уруш қонунларига ғоят мос эди.**

**Қудратли Искандар Яксарт-Сирдарё бўйида 17 кунда Олисдаги Искандария деб аталувчи шаҳар қурдирди. Уруш ўз номи билан уруш. Қон, кўз ёши, куллик урушга хос. Искандар истилоси Турон замин халқига, айниқса аёллар учун хорлик ва хўрликлар олиб келган. Хусусан Искандар жангчиларига зўрлаб берилган турли юрт қизларининг баъзилари кейинчалик Искандарнинг юртига ҳам олиб кетилди ва уларнинг тақдири асосан фожеага айланди, педагог-олим Жалолиддин ҲАСАН шу воқеалар асосида «Яксара қисмати» шеърий асарини яратди. Муаллиф тарихий достонида Яксара образи орқали Шарқ аёлларининг маданиятли, истеъдодли, меҳнаткаш, мард ва саховатли, ориятли ва эркпарварлигини, ҳеч қачон бахтсизлик ва зулмга кўникиб кетмаслигини ёрқин бўёқларда акс эттирган.**

## ЯКСАРА ҚИСМАТИ

### (Тарихий достон)

### БУЛУТЛИ КУНЛАР

*Забт этгач Искандар Турон заминни*
*Юртни талаб, таҳқир этди шаънини.*
*Асирга олиниб юзлаб гўзал қиз,*
*Аскарларга хотин қилинди, эсиз.*
*Қора кунлар тушди қизлар бошига,*
*Оғулар отилди ичган ошига.*
*Таслим бўлмаганлар осилди дорга,*
*Кўп гўзаллар содиқ қолишди орга...*
*Қонли кўз ёшларга қилмайин парво,*
*Неча гўзалларни айлашди расво.*
*Оналар қалбидан юлқинди оҳлар,*
*Оҳга қулоқ солмас эди гумроҳлар.*
*Оталар қалбида ўтли фиғонлар:*
*«Ҳали қасос учун келади онлар!»*
*«Қасос!» дер ёш-қари, интиқом кутар,*
*Асирликда қонли ёшини ютар.*
*Душман қиличларни ботириб қонга*
*Асира қизларни ҳайдар Юнонга...*

### ЙЎЛДА

*Фалак маъбудлари, кўринг ҳолимиз,*
*Тупроқдан паст бўлди, бизнинг толемиз.*
*Оёқларда кишан,*
*Билмаймиз, не манзил беради нишон.*
*Яксарт1 қизларимиз: Суғд маликаси,*
*Форснинг гўзалию, Туркнинг эркаси.*
*Яксара2 худога қилар илтижо,*
*Ножия3, Така4нинг тилида нидо:*
*«Қуллик балосидан қутқара қолгин,*
*Йўқса, абгор этмай жонимиз олгин!»*
*Яксара қон ютиб, чекар экан оҳ.*
*Осмон чақмоқ чақди гумбурлаб ногоҳ.*
*«Қонли ёшим дарё бўлиб оқмоқда,*
*Замон зайлими бу, зулм ўтказмоқда.*
*Алвидо, Она-юрт! Алвидо, элим,*
*«Алвидо!» - дегувчи соқов бўл, тилим!*
*«Танимда қолмади қувват-мадорим,*
*Ўлмоққа розиман, қатъий қарорим.*
*Ардоқли болалик, ёшлигим, хайр,*
*Менга насиб этмиш бу қонли сайр!»*
*Шундай деб, дармони қуриб йиқилди,*
*Қамчи зарбидан бот ўзига келди...*

### ТЕНГСИЗ НИКОҲ

*Яксарани қисмат айлади ҳайрон -*
*Фарасга узатиб, бағрин қилди қон.*
*Ўн бешга тўлмаган гўзал Яксара,*
*Хотин - қирқ беш ёшли Фарасга, қара!*
*Шундай хорликларинг бормиди, фалак!*
*Наҳот асиралар шунчалик ҳалак?*
*Жоизмиди шундай тақдир ўйини?*
*Қулфат букди улар қадду бўйини.*
*Фарас - асли эди Турон фарзанди,*
*Уч ёшда ўғирлаб қилинган банди.*
*Ҳаётда кўп азоб-уқубат чеккан,*
*Хорликлар ниҳоят қаддини эгган.*
*Искандар форс юртин ишғол қилган дам,*
*Асир бўлган эди ғолибга у ҳам.*
*Искандар асирлар ичра оралаб,*
*Фарасни аскарга қўшди саралаб.*
*У жангларда тезда ташлангач кўзга,*
*Искандар ҳам яқин тутди ўзига -*
*Уни озод қилиб қулликдан ошкор,*
*Юз нафар аскарга айлади сардор.*
*Искандарга хизмат қилиб беғараз,*
*Қўрсатди жасорат жангбоши Фарас.*

**(Давоми келгуси сонда.)**

*ИЗОҲ* 1.Яксарт- Сирдарёнинг қадимги номи.
2. Яксара - Сирдарё қизи деган маънода.
3. Ножия лала - форс гўзали.
4. Така пари - турк гўзали

Баҳодир ХУДОЙБЕРГАНОВ

# ҚЎРҚУВ

*воқеий ҳикоя*

Декабрнинг бошлари. Ғўзапоялар қорайиб, ялангочланиб қолган. Бу вақтда қоронғу тез тушади. Холмирза чўпон қўйларни аввал йўл бўйида боқди. Сўнг у ёқ-бу ёққа қараб, атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, пахтазорларга ҳайдади.

... Қўйларни яхшилаб семиртириб олса, тўртта кўчқорни сотади, ўрнига битта ғунажин олади. Худо «Ол қулим» деб турса, икки-уч ой ичида бир бузоқ нақд фойдага қолади. Уни икки йил парваришласа борми...

Қариликда пул топиш йўлларини ўйлаб қоларкан киши. Лекин... Кеча Бўри участкавой билан дала қоровули Амин пиён «ўн етти гектарли» (бу хўжаликда ҳар бир ернинг ўз номи бор) ердан йигирматача қўйни олиб кетишди. Энди «акт» қилиб ё колхозга ўтказиб юборишади ё катта жарима солишади.

Милиса бу «Қўли Жаббор»га тунда келолмайди, лекин Амин пиёндан худо сақласин. Қўшотар милтиқни елкасига илиб олиб санқигани-санқиган. Қачон ухлайди - ҳеч ким билмайди. Онаси далада туққанми-е...

Икки ой бурун участкада экилган жўхорининг пишай деб қолган сўтасини қайириб, қопни тўлдирувди ҳамки, ёнгинасидан милтиқ варанглади. Унинг назарида ўқ шундай боши устидан учиб ўтди. Холмирза жойида ўтириб қолди. Қош қорайиб ғира-шира бўлгандагина судралиб уйига равона бўлди. Юрагим ёрилди-ёв, дея икки-уч кун кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди. Кейин билса Амин пиён қушларни чўчитиш учун ўқ узган экан...

... Ҳамро герой ҳам келиб-келиб пиёнга милтиқ берадими?

Шу йили баҳорда итлар тўда-тўда бўлиб, чигит экилган ерларни пайҳон қила бошлади. Ғазабланган бригадир Ҳамро герой милтиқни елкасига ташлаб, саҳар «ўн етти гектарли»га келади. У сочма ўқни милтиққа жойлаб, ит тўхтаб турган пайтда тепкини босди. Эркак ва аёлнинг фарёдидан ўзига келган бригадир югуриб борса, Сано жонсарак юзтубан ётганча ер тимдалаяпти, хотини эри Сано атрофида айланганча:

- Душманнинг уйи куйсин. Зовурдан қуядиган ғиштимизни ҳам кўролмади, энди уч етимни ким боқади, - дея дод соляпти.

Бригадир қараса, Сано жонсарак ғишт тўкишни энди бошлаган: қолипни бўшатиш учун энкайган пайтда, тепкини босган экан. Кўзи пишиб кетган бригадир аҳвол унча жиддий эмаслигини сезади.

- Ўчир! - деди бригадир кескин. Иккаласининг ҳам уни ўчди. - Ҳозир бу ерларда лойга қирадиган сендан бошқа аҳмоқ йўқ. Ғиштингни ёзда қуйдириб бераман. Учтўрт кун уйингда даволанасан. Дўхтир ва улов бераман.

- Иморат учун ўғлимга ер бермайсизми?

- Ўғлинг энди тўртинчига ўтаяпти-ку, нокас, - бригадирнинг жаҳли чиқиб кетди. - Ўзингнинг еринг эса шундан ҳам зиёд... тамом, хоҳласанг шу, хоҳламасанг тўрт томонинг қибла...

- Майли, розиман, - деди инграб Сано жонсарак.

Бригадир кетди.

- «Волга» минадиган бўлдингиз, дадаси, - деди хотини афтини буриштирган эрига қараб қўйиб. - Оғрияптими?

... Амин пиённинг эшак араваси Санонинг уйида тўхтаганида дўхтир ҳам етиб келди. Аравада юзтубан ётган Санонинг думбасидан темирчани олиб ташлади. «Узоқдан отилган экан» минғирлаб қўйди дўхтир тушуниб бўлмас оҳангда. Бригадир ёзда ғишт қуйдириб берди. Сано эса «жонсарак» лақабининг ёнига «питра» сўзини ҳам қўшиб олди. «Яра»си ҳам бир ойда битиб кетди. Шундан кейин герой милтиқни Амин пиёнга берди: «Қарилик, кўзим ўтмай қолаяпти» эмиш. Эй, биродар, тепкини босиш учун кўздан ташқари ақл ҳам керак, дейдиган бирор мард йўқ. Бу отинг ўчгурнинг ихтиёрини келиб-келиб бир пиёнга бериб қўясанми? «Дала қоровули эмиш». Яримта «кагор»ми, «чашма»ми уриб олиб колхознинг бир бош сўтаси учун Холмирзага ўхшаганнинг бошини мўлжаллаб отишдан ҳам тоймайди-ю?! Бош думба эмаски, битиб кетса.

Хол чўпон шуларни ўйларкан, бирдан қадам товуши, хазонларнинг эзилиб шитирлаши эшитилди. Тинкаси қуриб, тиззалари дирдир титради. Ёнгинасида иштаҳа билан ўтлаётган қўйни унсизгина ушлаб, четга итарди. Қани: парвосига келса-чи, бу маҳлуқнинг? Қадам товушлари яқинлашиб келарди.

- Ке-е-ким? - сўради қоронғига тикилганча ярим овозда.

- Ота, ман, - қўққисдан жавоб қилди кимдир.

- Отма, Амин пиён, бу мен, қиёматли қўшнинг - Холмирзаман, отма, мана, таслимман, - деди Холмирза чўпон иккала қўлини юқорига кўтариб.Қўлидан таёғи тушиб кетди.

- Э, ота, сизга нима бўлди?

Холмирза чўпон қоронғулик қўйнидан ўзига яқинлашган ўғлини таниди. Бўшашганича туриб қолди. Сўнг бош чайқаб, деди:

- Э, отаман деб, юрагимни ёрдинг-ку, хумпар.

Ўғил нима дейишини билмай бир четда ажабланганча турарди.

Ҳ.СОДИҚОВ чизган.

Ҳанда ҳонаҳ

***Бир киши янги уйланган ўртоғидан сўради:***

***— Хотининг билан қандай яшаяпсизлар?***

***— Биринчи ҳафтада мен гапирдим, у тинглади, иккинчи ҳафтада у гапирди, мен тингладим, энди иккаламиз гапирсак, қўшнилар тинглашяпти.***

## МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

**ҚЎЙ (21.03-21.04)**
Яқин кунларда эски танишингиз сизга алоҳида эътибор кўрсата бошлайди. Муносабатларингиз жиддий тус олиши эҳтимоли бор.
Ҳаммаси ўзингизга боғлиқ.

**СИГИР(22.0420.05)**
Оила аъзоларингиз билан муносабатларингиз кескинлашуви мумкин. Бундай ҳолатга сизнинг ҳаддан ташқари инжиқлигингиз сабаб бўлади.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)**
Огоҳ бўлинг, ҳамкасбларингиздан кимдир сизнинг тобора ортиб бораётган обрў-эътиборингизга панд бериш учун ғаламислик қилиши мумкин.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)**
Шу кунларда асабларингиз ҳар доимгидан ҳам таранглиқ. Кўп сиқилманг, муаммолар тўлиб-тошган бу палла ҳам ўтиб кетадию, лекин соғлиғингиз...

**АРСЛОН (23.07-22.08)**
Дам олиш кунларигача бир неча муҳим ишларни битириб олишга улгурасиз. Душанбадан эса ғайратингиз бироз сустланади, кўпроқ дам олинг.

**ПАРИЗОД(23.08-22.09)**
Келаси чоршанбагача бошингиз меҳмондорчиликдан чиқмайди. Қанчалик толиқишингизга қарамай, ҳамманинг кўнглини олишга ҳаракат қилинг.

**ТАРОЗИ (23.09-22.10)**
Айни кунларда фаолиятингизда энг мушкул ва муҳим топшириқлардан бирини адо этишингиз лозим бўлади. Сиздан хушёрлик ва тадбиркорлик талаб этилади.

**ЧАЁН (23.10-22.11)**
Янги йилга қадар бир нечта юмушларни адоғига етказиш иштиёқида юрибсиз. Бу эса асосий фаолиятингизга салбий таъсир этиши мумкин.

**ЎҚОТАР (23.11-21.12)**
Айни кунларда сизга маслаҳат берувчилар ҳаддан ташқари сероб. Шундай бўлса ҳам ўз билганингиздан қолманг, ҳато қилмайсиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)**
Ҳар қанчалик тиғиз бўлмасин барча ишларингизни, учрашувларни бир четга қўйиб, соғлиғингизга жиддий эътибор беринг. Акс ҳолда қиш бўйи тумов сиздан нари кетмаслиги мумкин.

**ҚОВҒА (20.01-18.02)**
Молиявий аҳволингиз ҳар қачонгидан яхши. Бирон жиҳоз сотиб олиш эҳтиёжи бўлгани билан, харид қилишга шошилмай туришни маслаҳат берамиз.

**БАЛИҚ (19.02-20.03)**
Ёрдамга муҳтож бўлиб қолишингиз мумкин. Лекин кўмак уни сўраган кишингиздан эмас, кутилмаган томондан келиши мумкин. Умуман, бу вазиятдан осон чиқиб кетасиз.

Обуна-2003

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, Сизнинг содиқ йўлдошингиз - MAHALLA ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Чоршанба - орзиқиб кутилган дамлар.

Азиз муштарий!
Обуна хусусидаги ҳар қандай савол ва таклифларингизни тортинмай изҳор этинг, обуна шартларини сизга қулай тарзда ташкил этиш учун кўмак беришга ҳамиша шаймиз!
Таҳририят
Мулоқот учун телефон: (8-3712) 136-53-93

Ф. МТ-1

«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик Компанияси
АБОНЕМЕНТ газета / журнал
(нашр кўрсаткичи)
(нашр номи) Комплектлар сони
йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга
(почта индекси) (Манзилгоҳ)
Кимга
(фамилияси, исми ва отасининг исми)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ
п.в. жойи
(нашр кўрсаткичи)
(нашр номи)
Обуна баҳоси _____ сўм Комплектлар сони
_____ йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга
(почта индекси) (Манзилгоҳ)
Кимга
(фамилияси, исми ва отасининг исми)

Обуна бўлишга кечикманг!

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Сахифаловчи: Дмитрий ЗВЕРЕВ
Навбатчи: Нурали ШОДИЕВ

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Буюртма Г-1026 Топширилди — 21.30